ТОШКЕНТ ШАХАР АРХИТЕКТУРА КУРУЛИШ ИНСТИТУТИ

АРХИТЕКТУРА ФАКУЛТЕТИ

4-16: ГУРУХ ТАЛАБАСИ:

ХОЛМАТОВ УМИДДИНННИНГ

БИНО ВА ИНШООТЛАР ТИПОЛОГИЯСИ ФАНИДАН

ТАЙЁРЛАГАН КУРС ИШИ.

* Театр бинолари



* Режа

1. Театр биноларининг ташкил топиши
2. Сахна тузилиши
3. Томашабин зали



* Театр биноларинг ташкил топиши энг қадимги даврларга тўғри келиб, антик очик театрлар уйғониш даврида пайдо бўлган чуқур сахнали театрлар, халк театрларининг турли шакллари замонавий спектаклларни кўрсатиш учун манба бўлиб хизмат қилган.



* Илк театр ибноларига томошабинлар аёвсиз сахналар гладяторлар чикиши,инсонларнинг хайвонлар билан олишувини кўриш учун йиғилишган. Хозирги кунга келиб эса театр санати кенг ривожланмоқда



* Хозирги кунга келиб  театр бинолари ўз вазифасига кўра куйдаги турларга ажратилади.

| Театр турлари | Томашабин залининг сиғми, одам сони | Сахна гурухи |
| --- | --- | --- |
| Драма | 600<br>800<br>1000<br>1200 | 0<br>1<br>2<br>3 |
| Мусиқали -драма | 1000<br>1200 | 2<br>3 |
| Опера-балет | 1200<br>1500 | 3<br>4 |

* Театр биноси хоналари қуйдаги комплексларга бўлинади:

a) Томашабин комлекси
b) Намойиш комплекси
c) Сахна комплекси
d) Ишлаб чиқариш хоналари ва резерв омборлар



* Томашабин комплексига қуйдагилар киради: касса вестибюли, кириш вестибюли, тақсимловчи вестибюлгардероб ва ха казо.
* Намойиш комплекси таркибига қуйдагилар киради: томоша зали, авенссена,ён куларлар,сахна ости ўрама декарациялар сейфи ва ха казо.



Сахна тузилши. Томашабин зали хамда чуқур сахнанинг умумий кўриниши ва ички тузилишларини белгиловчи асосий кўрсаткич бу- томоша майдончасининг ўлчамидир. Сахна эни томоша майдони кенглиги ёки томашабин ўриdiқларини, декорацияларни ёритиш воситаларини жойлаштириш ва спектаклни бемалол сахналаштириш учун етарли бўлган кенгликдан келиб чиқади.

Залнинг энг тўрида жойлашган декорацияларнинг максимал баландлиги уларнинг устки қисмини зал ўртасидан кўриш мумкин бўлган даржада белгиланади ва одатга кўра у портал баландлигидан бир ярим баробар ортиқ бўлади.

Асосий сахнадан ташқари спектакл декорациясини тез алмаштиришга ёрдам юн қуйи сахналар куларлар ва тюм (сахна ости) мавжуд.

Сахна кулуарларида харакатланувчи платформалар-фуроплар жойлаштирилиб, спектаклнинг кейинги сахнаси учун уларнинг усти хажмий юзасига тенг холда ёки унинг ярмича олинади.

Сахна ости-трюм декорацияни тез-тез алмаштириб туриш учун сахнада турли эффект хосил қилиш учун ишлатилади

Трюмда сахна поли харакатга келтириладиган механизм жойлаштирилади.

Бундай механизмнинг енг оддий ва универсал тури бу –полга ўйиб киритилган ёки устига ўрнатилган айланиб харакатланувчи доира бўлиб, унинг диаметри ўз ичига икки ва ундан ортиқ сахна кўринишларини безайдиган хажмий декорацияларни сиғдира олиши керак

Сахна кўринишларини тез-тез ўзгартириб туриш учун асосий сахнага қўшимча равишда сахна орқали-арерссенадан хам фойдаланиш мумкин. Арерссена шу билан бирга декорацияларни ёритувчи воситаларни жойлаштириш учун хизмат қилади.

Асосий сахнанинг тўрт томонида (уч ён томонида ва қуйида) жойлашагн ёрдамчи сахналар унинг харакатчанлигини янада оширади хамда спектаклни сахналаштириш учун барча имкониятларни яратиб бера олади.

* Томашабин зали- театр биносининг композицион элементи хисобланади. Томашабин зали томашабинларга уларнинг залга кириш, жойлашиш, спектаклни томаша қилиш, сўнгра хаф-хатарсиз чиқиб кетишга  энг кулай шарт- шароитларни яратиб бериши зарур.



Зал компазициясини ташкил этишдаги асосий омил (фактор)лардан яна бири томашабин учун охирги қаторнинг сахна қизил чизиғидан қай даражада узоклигидир.

* Томашабин залининг икки тури мавжуд- кўп қаватли ва анфитеатрли



Кўп қаватли зал анфитеатрлига нисбатан спектаклни анча яққол кузатишимкониятини беради.

Анфитеатрли залда партер ва анфитеатрда, яъни сахна юзасидан унча баланд бўлмаган текисликда жойлаштирилади. Томошабинларни жойлаштириш ва эвакуация қилиш бш холда унча қийнчилик туғдирмайди.

Томашабин залининг мақбул юзаси: бир томашабинга 0,65 м2 хаво хажми бир томашабинга - 4,5-5 м3- драма,6-6м3-мусиқали театр учун.

Томашабин комплекси таркибидаги хоналар томаша бошлангунича одамларни рухан спектаклга тайёрлаш учун хизмат килади.сахна хоналари эса спектаклни тайёрлашга хизмат қилади.

Томошабин хоналарини кириш ва касса ветибюллар, асосий ветибюл, кийиниб – ечинадиган хона, **тақсимловчи** фое, тамаддихона, театр маъмурияти хонаси ташкил этади.

Сахна хизматидаги хоналарни шундай лойихалаш ва жихозлаш зарурки спектаклни тайёрлаш ва сахнага қўшиш учун етарили шарт – шароитлар бўлиши керак.

Театр атрофини кўкаламзорлаштиишни лойихалаш жароаёнида қуйдагилар хисобга олинади.

A. Бинога кириш ва ундан чиқиш учун мўлжалланган майдонлар. Улранинг умумий юзаси томашабин залидагибир ўринга энг камида 0,3 м2 хисобида олинади.

A. Томошабинларининг дам олиш майдончалари, майсазорлар:
B. Марказий кўча ва уйлар билан боғланган пиёда йўлакчалари ва ўтиш жойлари:
C. Ўтиш жойлари, йўллар ва майдончаларни сунъий ёритиш тизми билан таъминлаш:
D. Хужалик участкаси (унда ёрдамчи ишлаб чиқариш корпуси ва шунга ўхшаш иншоотларни жойлаштириш имкониятларини кўзлаган холда)
E. Енгил автомобиллар учун тўхташ майдончалари (ҚМҚ бўйича).

Қайд этилган майдочалар вазиятга қараб театр учаскасидан ташқари ерларга хам жойлаштириш мумкин, аммо уларнинг театр биносидан узоқлиги 300 м ошмаслиги зарур

* Театрнинг ишлаб чикариш хоналари ва ёрдамчи омборлари коида бщйича, театр биноси якинида алохида корпусда жойлаштирилади.

